

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
Ўзбекистон тарихи кафедраси

**XV АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА МОВАРОУННАХР
ВА ХУРОСОНДА ИЖТИМОЙ, МАДАНИЙ ҲАЁТ**

Навоий – 2007 йил

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
Ўзбекистон тарихи кафедраси

М. Олтинов

XV АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА МОВАРОУННАҲР ВА ХУРОСОНДА
ИЖТИМОИЙ, МАДАНИЙ ҲАЁТ
илмий – методологик тавсиялар

Навоий – 2007 йил

Ушбу илмий услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижтимоий комплексининг махсус методологик комиссияси баённомаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлари илмий – услубий барлашмаларининг фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш Призидиумининг 2003 йил 1 – июль мажлиси қарори билан тасвир этилган ва 2004 йил нашрдан чиққан “Ўзбекистон тарихи” фанидан намунавий дастур асосида ишлаб чиқилди. Мазкур илмий услубий кўрсатма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Навоий давлат педагогика институти ўқув бўлими томонидан 2008 йилда берилган ўқув режа асосида ишлаб чиқилди.

Тузувчи:

т.ф.д., проф. М. Олтинов.

Такризчилар:

**С.Иноятов, тарих фанлари доктори,
профессор.**

Ғ.Темиров, тарих фанлари доктори.

М.Йўлдошева, тарих фанлари номзоди, доцент

*Ушбу илмий услубий кўрсатма НавДПИ Илмий Кенгаши томонидан муҳокама этиб
тасдиқланган*

Мавзу: XV асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳр ва Хуросонда ижтимоий, маданий ҳаёт.

Р Е Ж А :

1. Мовароуннаҳрнинг XV аср иккинчи ярмидаги ижтимоий, сиёсий ҳолати. Хожа Убайдулло Аҳрор.
2. XV асрнинг иккинчи ярмида Хуросонда ижтимоий, сиёсий ҳаёт.
3. Алишер Навоийнинг ижтимоий, тарихий қарашлари.
4. Султон Ҳусайн Бойқаро йирик давлат арбоби, фан ва маданият ҳомийси.

Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг XV аср биринчи ярмидаги ижтимоий, маданий ҳаёти ўзининг тинч-осойишталиги, иқтисодий, маданий марказлиги билан Амир Темур даврига монанд, у салтанатнинг вориси сифатида ривожланган эди. Маркази Самарқанд бўлган Мовароуннаҳрда – Мирзо Улуғбек, маркази Ҳирот бўлган Хуросонда Шохрух Мирзо – Амир Темур давлатчилиги анъаналарига қатъий риоя қилиб, мамлакатнинг иқтисодий, маданий мавқеини сақлаб қолдилар.

Ҳали бу даврда ички исёнкор кучлар ҳам ва ташқи фотихлар ҳам бу давлатнинг яхлитлигига раҳна сололмадилар. Демокчимизки, XV асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳр ва Хуросон ягона, яхлит иқтисодий, маданий макон сифатида мавжуд эди.

Бўлмаса, Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг бу руҳонияти XV асрнинг иккинчи ярмида қандай кечди? Нима учун Мовароуннаҳр ва Хуросон XV асрнинг биринчи ярмидаги иқтисодий, маданий шон-шухрати ни сақлаб қолаолмади?

Биринчидан, XV аср иккинчи ярми сиёсий воқеаларига назар ташласак, Мовароуннаҳр ва Хуросонда тахт учун курашларнинг авж олишини тарқоқликнинг янада кучайишини кўрамиз. Абдулатиф ўлдирилгандан сўнг Самарқанд тахтига Иброҳим Султоннинг ўғли Абдулла ўтқазилди. Абдулланинг тахтга чиқиши сарой тўнтариши оқибатида юз берган бўлиб, унда Улуғбек сиёсати тарафдорларининг қўли бор эди. Абдулла туркий зодагонларга таяниб, Улуғбек замонидагидай сиёсий, маданий ҳаётни қайта тиклай бошлади. Бироқ фитначилар Абдуллани ҳам тахтга узоқ қолишга қўймадилар. Бухоро ҳокими Абдусайид Мовароуннаҳр тахтига даъвогар бўлиб чиқа бошлади. Абдусайд ўз мақсадига эришиш ниятида ўзбек хони Абдулхайрдан ёрдам сўради. Абдулла билан Абдулхайрхон ўртасида 1451 йилда Ясса, Шероз қишлоқларида бўлган жангларда Абдулла мағлубиятга учради ва ўзи ҳам ҳалок бўлди. Натижада Мовароуннаҳр тахтини Абдусайид эгаллади. Тахт эгаси бўлиб олган Абдусайд Шайбоний ҳукмдори Абдулхайрхонга катта совғалар берди, ҳатто Мирзо Улуғбекнинг Робия Султонбегим исмли қизини ҳам “тортиқ” қилди. (Кейинчалик бу никоҳдан Кўчкунчихон, Севинч хожа, Оқбўрон исмли ўғиллар туғилган). Шунинг унутмаслик керакки, Абдулхайрхон ўзининг 1451 йилги юриши билан Мовароуннаҳр сиёсий ҳаётига Шайбонийлар омилини олиб кирди, яъни бу ҳудудда ҳам ўз сиёсий мавқеига эга бўлиб олди. Энди унга Мовароуннаҳрда янада фаолроқ ҳаракат қилиш имконияти очилди.

Иккинчидан, Пойтахти Хирот бўлган Хуросон ерларида 1452-1457 йилларда Абулқосим Бобур ҳукмронлик қилган. Абдусайид ва Абулқосим ўртасида ҳам муносабатлар зиддиятли бўлган. Абулқосим Бобур вафотидан сўнг Абдусайд Хуросонни ҳам номигагина бўлса ҳам Мовароуннаҳрга қўшиб олди. Бироқ бу бирлашиш ҳам мустаҳкам эмас эди, узоқ давом этмади. Чунки Хуросон тахти учун бошқа бир даъвогар, Умаршайх Мирзонинг эвараси Султон Ҳусайн сиёсат майдонига чиқабошлади. Султон Ҳусайн Абулқосим Бобур вафотидан кейин Марвга, қайнотаси Мирзо Санжар ҳузурига боради. Султон Ҳусайн 1461-1464 йилларда Хоразмга, Ғарбий Эронга юришлар қилиб, ғалабага эришади. Абдусайид 1468 йилда Эрон жангида вафот этди. Унинг ўғиллари эса тахтга даъвогар бўлиб чиқмадилар. Натижада Султон Ҳусайн Бойқаро 1469 йил 24 мартда Хуросонни эгаллаб, ўз ҳукмронлигини ўрнатди ва 1506 йилга қадар уни бошқарди.

Мовароуннаҳрда XV асрнинг 60-90 йилларида ҳам сиёсий вазият кескинлигича қолаверади. Бу йилларда Самарқанд тахтини Султон Аҳмад, унинг укаси Султон Маҳмуд, унинг ўғли Бойсунғур, унинг укаси Султон Али, Фарғона ҳокими Заҳириддин Муҳаммад Бобур қабилар бошқардилар (1497). Бироқ бу темурий амирзодаларнинг биронтаси ҳам Мовароуннаҳрда тинчлик, осойишталик ўрната олмадилар. Бу ҳолат Шайбон ўзбеклари манфаатларига мос келар эди. Бу ҳолат Мовароуннаҳрнинг иқтисодий, маданий мавқеини тамоман пасайтириб юборди, сиёсий тақдирида туб бўлишларга олиб келабошлади.

Учинчидан, XV асрнинг 60-90 йилларида Хуросон нисбатан тинч-осойишта бўлди. Хирот йирик моддий, маданий марказлик ҳолатини сақлаб қолди. Бунда йирик давлат ва маданият арбоби Султон Ҳусайн ва шоир, ёзувчи, давлат арбоби, олим, улуғ ақл-заковат, маънавият соҳиби Низомиддин Мир Алишер Навоийларнинг ҳиссалари улуғдир.

(**Эслатма:** Собиқ совет адабиётларида Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоийларни қарама-қарши қўйиб тасвирлаш ҳолати илмий-баддий адабиётларда, сахна асарларида ўз аксини топди.)

Шундай қилиб, XV асрнинг II-ярмида бир замон ва бир иқтисодий-маданий макон - Мовароуннаҳр ва Хуросон ижтимоий ҳаётида икки хил ижтимоий-сиёсий ҳолатни кўрамиз.

Тўртинчидан, Алишер Навоийнинг отаси Низомиддин Кичкина Абдулқосим Бобур саройида хизмат қилар эди. Онаси темурий амирзодаларга энағалик қилар эди. Абдусайид Мирзо ҳокимиятга келгандан сўнг мамлакат зиёлиларига, олиму-фозилларига нисбатан ҳурматсизлик қилинди. Жумладан Алишер Навоийнинг тоғалари, шоирлар Мир Сайид Қобулий, Муҳаммад Али Ғарибийлар сабабсиз қатл қилинди. Ул зотнинг ота-онаси вафот этдилар. Ҳоким Абдусайид Мирзо Алишер Навоийнинг отасидан қолган катта мулкни мусодара қилиб, ўзини Ҳиротдан бадарға қилди. Натижада ўсмир Алишер ҳаётий қийинчилик ва машаққат билан Самарқандга етиб келди. Бу ерда ночор бир ҳолатда ижод қила бошлади, мадрасада ўқий бошлади. Алишер Навоийнинг шеърлари Самарқанд шаҳар ҳокими, маърифатпарвар Аҳмад Ҳожибек, файласоф олим Файзулло Абулайс, шоирлар Мирзо Ҳожи Суғдий, Қаландар самарқандий кабиларнинг эътиборини тортди. Навоий Самарқандда ўз мавқеига эга бўлиб, XV аср меъморчилик ёдгорликларини, географик ҳолатини, Сайхун, Жайхун, Кўҳак дарёларининг деҳқончилик хўжалигидаги, моддийдаги аҳамияти, Самарқанд хунармандчилиги меҳнати маҳорати каби ҳолатларни ўрганди ва унинг ижодида муҳим ўрин тутди. У 18 ёшида нақшбандия таълимотининг йирик вакили Абдирахмон Жомий билан танишди ва умрининг охиригача у кишини маънавий пир, падари бузруквор деб эътиқод қилди.

Алишер Навоийнинг ҳаётида 1469 йил апрелда муҳим ўзгариш бўлди. Ҳокимиятни эгаллаган Султон Ҳусайн, дўсти (мактабдош) Алишер Навоийни ҳам Ҳиротга таклиф қилди. У саройда мухирдорлик вазифасига тайинланди. Ижодкор Алишер Навоийда энди сиёсий фаолият бошланди. 1472 йилда эса Бош Вазир лавозимига тайинланди. Давлат арбоби Алишер Навоий энди Бутун Хуросонда тинчлик ўрнатиш, Ҳусайн Бойқаронинг ўғилларини ўзаро муроасага келтириш, мамлакатни моддий жиҳатдан юксалтириш, илм-фан, адабиёт, маданият, санъат аҳлига раҳнамолик қилиш, уларга қулай моддий, маиший шароит яратиш, мамлакатни, унинг пойтахтини ободонлаштириш ишлари билан машғул бўлди. Навоийни шахсий шон-шухрат эмас, эл-юрт, халқ хизмати, Ватан равнақи кўпроқ қизиқтира бошлади. Халққа зулм қилаётган, ортиқча солиқлар ундирадиган амалдорлар ўз вазифасидан четлаштирилди. Навоий Самарқанддан Ҳиротга қайтгандан сўнг Ҳусайн Бойқаро унга отасидан қолган ер-мулкни қайтариб беради. Шунингдек Ҳирот, Сабзаврдан яна катта мулк берди. Бироқ Алишер Навоий ана шу мулкларидан келган даромадни етим-есирлар, мусофирлар, илм-фан, адабиёт, санъат аҳилларига, талабаларга тақсимлаб берган, хайри-эҳсон қилган. Масалан Ҳирот ва унинг атрофидаги аҳолига солинган юз минг динор қўшимча солиқни ўз маблағидан тўлаб, оддий аҳолини ижтимоий ҳимоя қилган. Тарихчи Хондамирнинг “Макоримул-ахлоқ” асарида таъкидланишича, Алишер Навоийнинг ташаббуси билан мингдан ортиқ мактаб, мачит, мадраса, кўприк, йўл, суғориш иншоотлари, сарой, работ, боғ в.х. барпо этилган. У киши 500 дан ортиқ мадраса ва мактаб талабаларини ўз ҳисобидан ўқитган ва уларга нафақа берган. Шулардан бири “Халосия” хонақоси бўлиб, у ерда яшаган мусофирларга ҳар куни уч марта бепул иссиқ овқат тортилган, бир йилда 2000 дан ортиқ (Хондамир маълумоти) пўстин, чакмон, кўйлак, лозим, тақия в.х. ҳадя қилган. Шунингдек “Жамоатхона”, “Сари-ҳиёбон”, “Ҳавзак”, “Чилдухтарон”, “Тарноб”, “Панждех” каби номлар билан аталган работлар қурдирган, ҳовузлар қоздирган, ариқлар очиб, сувсиз ерлар ўзлаштирилган. Масалан, Тус вилоятидан Машҳадга ўн тош (70 км) узунликда канал чиқарган. Тарихчи Хондамир, рассом Бехзод, ҳаттот Султон Али, шоир Оссафий ҳазрат Алишер Навоийдан кўп моддий мадад, ёрдам олганликларини ёзиб қолдирганлар.

Алишер Навоий ташаббуси билан барпо этилган бинолар, иншоотлар давлат ҳисобидан эмас, халқ ташаббуси, ҳашар йўли билан бунёд этилган. Алишер Навоийнинг ўзлари иш бошида турганлар, у кишининг иншоотлар майдонига келишлари катта зиёфат, хайри-эҳсонлар, инъомлар бериш билан тўй-сайилга айланиб кетган. Ҳатто у кишининг ўзлари ҳам қурувчилар, усталар билан энг шимариб ишлайверганлар.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг сиёсий фаолияти, маданий ишлари, адолат ва халқпарварлиги саройдаги ҳамма мансабдорларга ҳам ёқавермаган, у кишига қарши очиқ ва хуфёна фитналар уюштирганлар. Давлат хазинасини ўзича сарфлаганликда айблаганлар. Навоий ҳам ўз навбатида ижодий ишлар билан жиддийроқ шуғулланиш мақсадида 1476 йилда ўз мансабидан истеъфо беради. Бироқ Ҳазрат Навоий мамлакатнинг маданий, ободонлаштириш ҳаётидан доим хабардор бўлиб турди. Хусусан у Ҳусайн Бойқарони адолатли, халқпарвар подшо бўлишга даъват қилди.

Бош Вазирлик мансабидан бўшаган Алишер Навоий қизгин ижодий ишга берилиб кетди. У ўзбек адабий тилини тараққий эттириш, бу тилда катта бадиий асарлар яратиш, уларда мамлакат ва халқ манфаатларига қаратилган муҳим вазифаларни ёритишни ният қилди. Алишер Навоий ўзидан олдин ўтган ёзувчиларнинг илғор анъаналарини давом эттирди, ривожлантирди. Ўзбек тилини, адабиётини янги тараққиёт босқичига олиб чиқди. Ўзбек тилини камситган, ўзбек тилида гўзал бадиий асарлар яратиш мумкин эмас деб даъво қилган кишиларни фош қилди. Халқнинг жонли тилидан унумли фойдаланиб, ўзбек адабий тилини бойитди.

Алишер Навоий дастлаб ўзининг лирик шеърлари билан шуҳрат қозонди. У 1470 йилда ўзининг “Бадойи –ул бидоя” (Бадиийлик ибтидоси), 1476 йилда иккинчи девони – “Наводирун-нихоя”ни (Беҳад нодирликлар) яратди. Алишер Навоий XV асрнинг 80-йилларидан бошлаб йирик асарлар яратган. Уни алла қачондан ҳамса ёзиш қизиқтиради. Низомий Ганжавий, Амир Хисрав Дехлавийларнинг “Ҳамса”ларини ўқиб чиқди. Бу хусусда устози Абдирахмон Жомий билан маслаҳатлашди, ул зот Алишер Навоий жуда масъулиятли вазифани ўз зиммасига олганлигини таъкидлади. Натижада 1483 йилда “Ҳамса”нинг биринчи достони “Ҳайратул-аброр” (Яхши кишиларнинг ҳайратланиши), 1484 йилда “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Саъйий сайёр” (етти сайёр), 1485 йилда “Саддий Искандарий” (Искандар девори) номли дostonларини ёзиб тугатди. Алишер Навоий ўзининг ноёб бадиий маҳорати билан ҳамсанависликни тамоман юқори босқичга олиб чиқди. Алишер Навоий ўзининг бу беш достонида жуда муҳим ижтимоий масалаларни қўйиб, Шарқнинг бетакрор мутафаккири сифатида илғор ғояларни, қарашларни олға сурди. Навоий “Ҳамса”сининг вужудга келиши ўзбек адабиёти тарихида, жаҳон маданиятида катта воқеа бўлиши билан бирга, унинг нодир обидасига айланди.

Султон Ҳусайн Бойқаронинг давлат, улус ишларига бефарқлигидан фойдаланган реакцион кучлар Навоийни Ҳиротдан узоқлаштириб, Астрабодга юборишга киришадилар. Бу фитнанинг бошида калтафаҳм, шуҳратпараст Мажидиддин турган. Мажидиддин ўз мақсадларини амалга ошириш ниятида давлат хазинасига 2000 туман ақча топширади. Бундан мамнун бўлган Ҳусайн Бойқаро Мажидиддинни вазир лавозимида кўтармоқчи бўлади, аммо Алишер Навоий бу ҳолатни маъқулламади. Ниҳоят 1487 йилда Навоий Астрабодга ҳоким қилиб тайинланди. Султон Ҳусайн Бойқаро ўзининг бу сиёсати билан биринчидан, Алишер Навоий душманларининг талабини қондирди, иккинчидан, Навоийнинг обрўи, тадбиркорлигидан фойдаланиб, мамлакатнинг муҳим чегара вилояти бўлган Астрабодда ўз давлат-сиёсий мавқеини мустаҳкамлади. Навоий узоқ Астрабоддан ҳам Султон Ҳусайн Бойқарони адолатга, маърифатга чақириб, мактублар йўллаб турди. Навоийнинг душманлари Астрабодда ҳам ул зотни тинч қўймадилар, фитналар уюштириб, ўлдирмоқчи бўлдилар. Бироқ фитналар фош бўлгандан сўнг, Ҳусайн Бойқаро Навоийни Ҳиротга қайтарди.

Навоий Ҳиротга қайтиб, бирон-бир сарой мансабини қабул қилмаган бўлса ҳам, давлат идора ишларига қатнашди, кучайиб бораётган тож-тахт талашларни бартараф қилишга, ота-ўғиллар, ака-укалар ўртасидаги жанжалларни тинч йўл билан ҳал қилишга ўз ҳиссасини қўшди. Алишер Навоий 1492 йилда устози ва пири Абдирахмон Жомийдан жудо бўлди. Бу жудолик Навоийнинг соғлиғига ёмон таъсир ўтказди, узоқ вақт бетоб бўлиб қолди.

Неча кунлар ва тунлар жойнамоz устида устози руҳига Қуръон тиловат қилиб, дуо ўқиди, имон келтирди. Кўп ўтмасдан Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг укаси Дарвеш Алини давлатга қарши исён кўтарганликда айблаб, ўлдиртирди. 1499 йилда Ҳусайн Бойқаро сарой иғволари таъсири билан Навоийнинг қариндоши ва шогирди шоир Мирзаҳайдар Сабухийни қатл қилди. Бу ҳам камлик қилганидек, Султон Ҳусайн Бойқаро хотини Хадича бегим ва вазири Низомулмулкнинг фитнасига учиб, севикли набираси Мўмин Мирзони (Бадиуззамоннинг ўғли) ўлдиришга фармон берди. Бу каби кулфатлар ва жудоликлар Алишер Навоийга ўз кучини кўрсатмасдан қолмади. Бироқ матонатли инсон, нодир ақл-заковат соҳиби Алишер Навоий ўз ижодий ишларини тўхтатмади. 1488-1501 йиллар орасида у бир қанча бадий, тарихий, фалсафий асарлар ёзди. Жумладан “Тарихи мулки Ажам” (Ажам шоҳлари тарихи), шоир маърифатпарвар Саййид Ҳасан Ардашерга бағишлаб “Ҳолати Сайид Ҳасан Ардашер”ни, XV асрда Мовароуннаҳр ва Хуросонда яшаб, ижод қилган 450 нафар шоирларнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган “Мажолисун нафоис” тазкирасини, устози ва пири Абдирахмон Жомийга бағишлаб “Ҳамсатул мутаҳаййирин” (Беш ҳайрат), адабиёт назариясига бағишлаб “Меъзонул авзон” (Вазнлар ўлчови), тасаввуф тариқатига бағишлаб “Насоимул муҳаббат” (Муҳаббат шабадаси), тўртта шеърӣ девондан иборат “Ҳазойинул - маоний” (Маънолар хазинаси), таркидунёчиликни тарғиб қилувчи шайх ва зоҳидларни фош этиб, ҳаётга, инсонга муҳаббат ғоясини куйловчи фалсафий асар “Лисонут-тайр”ни, ўзбек тилшунослигига бағишлаб “Муҳокаматул - луғатайн” асарини (Икки тил ҳақида муҳокама), ва ниҳоят 1500 йилда йирик фалсафий асар “Маҳбуб-ул-қулуб” (Кўнгиللарнинг севгани)ни ёзиб тугаллади.

Шунингдек Алишер Навоий ўз даврининг иқтисодий масалалари, ўзи қурдирган иморатлар, иншоотлар ҳақида маълумот берувчи “Вақфия”, ахлоқ ва ислом рукнларига доир “Назмул-жавоҳир” (Гавҳарлар тизмаси), “Тарихи анбиё ва ҳукамо” (Анбиёлар ва ҳакимлар тарихи), “Сирожул - муслимин” (Мусулмонлик нури) каби ўнлаб тарихий, бадий, фалсафий, илоҳий мазмундаги асарлар яратди.

Алишер Навоий ўзининг мактабдош дўсти, йирик давлат арбоби, шоир Султон Ҳусайн Бойқаро ҳақида катта асар ёзиш нияти борлигини “Тарихий мулки ажам”да баён қилиб: (Бойқаро Ҳусайн “Жамолингдан кўзим равшан” Т-1991 асари етиб келган.)

Вале энди азмим будир ким худой

Агар бўлса умримга муҳлат физой,

Чекиб турфа тарихингга хомани,

Қилиб нуқтага тез хангомани,

Сифатингни аввалдан охиргача,

Хаёлоти махфи-ю, зохиргача,

Валодат кунидан тутиб бу дам,

Борин шарҳ ила айлагайман рақам, деган эди.

Алишер Навоийнинг яна бир истаги, нияти ўзининг шахсий севгиси тўғрисида асар яратиш эди. У “Лисонут - тайр” да

Кел Навоий, сўзни холо хатим қил,

Ишқ аро изхори даъво қилмагил.

Бир неча, кун умрдан топсам омон,

Шарҳи ишқим назм этай бир дoston,

деган фикрни билдирган эди. Аммо Алишер Навоийнинг умри интиҳосига етаётган эди. Султон Ҳусайн Бойқаро 1500 йил 28 декабрда урушдан ғалаба (ўғли Муҳаммад Ҳусайнга қарши) билан қайтаётганлигини эшитган бетоб ётган Навоий подшони кутиб олиш учун йўлга чиқади. Алишер Навоийнинг ҳолатини кўрган подшо оддан тушиб дўстини бағрига босади, яктагининг барини ўпади, бош эгади. Подшо Султон Ҳусайн Бойқаро жангда бўлган бир кезде севикли хотини қазо қилганда, Алишер Навоий дўстига хабарчи орқали фақатгина “Сарвнинг соясида сўлди қизил гул, нетмоқ керак” деб шеърый хабар юборганда, Ҳусайн Боёқаро “Сарвдан тобут ясаб, гулдин кафан бичмоқ керак” деган жавоб билан, мархумни кечиктирмай дафн этишни буюрганди. Энди эса Алишер Навоийнинг ўзи дўсти, давлат бошлиғи Султон Ҳусайн кўлида жон берди, 1501 йил 3- январда бутун Хуросон ва Мовароуннаҳр халқи, аҳли мўминлар бир ҳафта мотам тутдилар давлат байроқлари туширилди, мотамсаро куй нидо қилиб турди.

Ҳазрат Навоийнинг жасади Ҳиротда дафн қилинган, у кишининг мақбараси маҳаллий халқлар томонидан ҳамон эъзозланиб келинмоқда. У киши қабри яқинида жомеъ масҷити мавжуд. Мақбара 1971 йилда Афғонистон подшоси Зоҳиршоҳнинг кўрсатмаси билан таъмирланган.

Ҳирот аҳолиси Навоий руҳини шу даражада ҳурмат қиладиларки, мабодо бирон киши бетоб бўлиб қолса, териси яраланса, боласи бетоб бўлиб қолса, Ҳазрат Навоий қабри устига бир даста гул келтириб қўяр эканлар. Қабр устига қўйилган гул дастаси қуриганча ҳалиги бетоб киши ҳам соғайиб кетар экан.

IV. Нақшбандия таълимотининг XV асрда яшаган йирик вакили Шайх Хожа Убайдуллоҳ Аҳрордир. (1404-1490) Унинг ёшлиғи Тошкентда ўтиб, 1427 йилда Самарқандга келади ва кейинчалик Ҳиротда, Сурхондарё ерларида яшайди. 1451 йилда яна Самарқандга келади. Энди халқ орасида танилган, ўзига минглаб муридлар орттирган йирик диний уламо даражасига кўтарилди.

Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Заҳриддин Бобурлар Хожа Аҳрорни ўз пирлари деб билганлар. Хожа Аҳрорнинг ҳам катта мулки, боғ-чорбоғлари, экин майдонлари, чорва моллари бўлган. Бироқ улардан келган даромадларни бева-бечораларга, камбағалларга тарқатиб берганлар. Масалан “Бобурнома”да таъкидланишича, Андижон ҳокими Умаршайх Мирзо Шош аҳолисига солган 250 минг динор солиқнинг ҳаммасини Хожа Аҳрорнинг ўзи шахсий жамғармасидан тўлаб юборган. Хожа Аҳрорнинг таъкидлашича “одамларга роҳат ва хурсандчилик бағишлаш каби олижанобликни гўзал ахлоқ, инсоний комиллик деб билган. Алишер Навоий Хожа Аҳрорни улуғлаб,

Улки, бу офоқ ичинда тоқ эрур.

Тоқ неким, муршиди офоқ эрур,

деб таърифлайди, ул пири муршидга ўзининг ҳурматини билдиради.

Хожа Аҳрор Вали кўплаб асарларнинг муаллифидир. Жумладан “Варидот” ёки “Фикрот ул-орифин”-тасаввур илмига бағишланган. Шунингдек “Рисолаи волидия” Хожа Аҳрорнинг отасининг хоҳиши билан ёзилган бўлиб, одоб-ахлоқ, инсоннинг ўзини танишга бағишланган. Уни 1528 йилда Бобур Мирзо ўзбек тилига таржима қилиб, бетобликдан фориг бўлган. Шунингдек “Рисолаи хуроия”, “Рукоат” каби асарлари ҳам бевосита инсоннинг ахлоқий гўзаллашлик масалаларига бағишланган.

Шундай қилиб, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор XV аср ижтимоий, маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутган.

Юқорида айтилган фикрлар ва келтирилган маълумотларга асосланиб, хулосаи мухтасар қиламиз.

Биринчидан, Мовароуннаҳр ва Хуросонда XV асрнинг II-ярмида темурий амирзодалар ўртасида бошланган ҳокимият- тахт учун кураш ўзининг охириги ҳал қилувчи палласига кирдики, у жамиятни охир-оқибат нохуш, кўнгилсиз оқибатларга олиб кела бошлади.

Иккинчидан, мамлакат аҳолисида темурий амирзодаларга нисбатан ишончсизлик руҳияти пайдо бўлди, юқори мулкдор қатлам вакиллари эса тўғридан - тўғри амирзодаларга қарши ҳаракат қила бошладилар.

Учинчидан, мамлакат ҳудудий парчаланди, иқтисодий, маданий жиҳатдан емирила бошлади, аҳолининг моддий турмуш шароити нисбатан пасайиб кетди.

Тўртинчидан, Мовароуннаҳр ва Хуросонда XV аср охирига келиб, темурийлар ҳукумронлигининг қулашини тезлаштирувчи омил - қипчоқ ўзбеклари руҳонияти хавфи тобора кучайиб борди.

Бешинчидан, XV асрнинг охирига келиб темурий амирзодалар халқ, эл олдидаги масъулиятларидан четлашдилар, айшу-ишратга берилдилар, уларни тинчликка ва ўзаро иттифокқа бирлаштирувчи бирон-бир сарбон, саркор чиқмади. Бу тарихий фожиа Мовароуннаҳрни XVI-XIX асрларга етаклади, охир-оқибат сиёсий қарамликка олиб келди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., “Ўзбекистон”, 2001 йил
2. “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. “Халқ сўзи”, 2006 йил 26 август.
3. “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. “Халқ сўзи”, 2007 йил 1 июнь.

4. И.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд, Т., “Ўзбекистон”, 1996 йил.
5. И.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд, Т., “Ўзбекистон”, 1996 йил.
6. И.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд, Т., “Ўзбекистон”, 1996 йил.
7. И.Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд, Т., “Ўзбекистон”, 1996 йил.
8. И.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-жилд, Т., “Ўзбекистон”, 1998 йил.
9. И.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд, Т., “Ўзбекистон”, 1998 йил.
10. И.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. 7-жилд, Т., “Ўзбекистон”, 1999 йил.
11. И.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд, Т., “Ўзбекистон”, 2000 йил.
12. И.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз. 9- жилд, Т., “Ўзбекистон”, 2001 йил
13. И.Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд, Т., “Ўзбекистон”, 2002 йил.
14. И.Каримов. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд, Т., “Ўзбекистон”, 2003 йил.
15. И.Каримов. Тинчлик ва хавфсизлигимиз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-жилд, Т., “Ўзбекистон”, 2005 йил.
16. И.Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд, Т., “Ўзбекистон”, 2005 йил.
17. И.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. “Туркистон”, 2005 йил 29 январь.
18. И.Каримов. Ўзбекистоннинг 16-йиллик мустақил тараққиёт йўли. Т., “Ўзбекистон”, 2007 йил.
19. “Авесто”. Т., “Шарқ”, 2001 йил.
20. Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий. Сунани Термизий. Т., “Адолат”, 1999 йил.
21. Бурҳониддин ал-Марғиноний. Ҳидоя. Т., “Адолат”, 2000 йил.
22. Я.Ғуломов. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Т., “Фан”, 1959 йил.
23. В.Шишкин. Варахша. М., “Наука”, 1963 йил.
24. Чағониён тарихи. Тошкент Ислон университети, 2002 йил.
25. А.Асқаров. Жарқўтан. Т., “Фан”, 1983 йил.
26. Л.Левитин. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Т., “Ўзбекистон”, 2001 йил.

27. Бўрибой Ахмедов. Ўзбек улуси. Т., “Нур”, 1992 йил.
28. Д.Алимова. Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллигида тарих фани. Қаранг: “Ўзбекистон тарихи”, 2006, 4-сон.
29. К.Шониёзов. Қорлуқ давлати ва қорлуқлар. Т., “Шарқ”, 199 йил.
30. К.Шониёзов. Қанғ давлати ва қанғлилар. (Ўзбек халқининг сиёсий ва этник тарихидан), “Фан”, 1990.
31. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т., “Шарқ”, 2000 йил
32. Н.Жўраев. Агар огоҳ сен... Т., “Ёзувчи”, 1998 йил.
33. А.Иброҳимов. Биз ким, ўзбеклар... Т., “Шарқ”, 1999 йил.
34. Н.Раҳмон. Турк ҳоконлиги. Т., 1993 йил.
35. А.Баҳодурхон. Шажараи турк. Т., 1992 йил.
36. Темур тузуклари. Б.Ахмедов таҳрири остида. Т., 1996 йил
37. М.Олтинов. Мустақил Ўзбекистон – Амир Темур давлатининг вориси. Бухоро, 2006 йил.
38. Бойқаро Ҳусайн. Жамолингдан кўзим равшан. Тошкент, 1991 йил.
39. Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1976 йил.
40. Муҳаммаджонов А. Амир Темур ва темурийлар даври. Тошкент, “Фан”, 1991 йил.